Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 1-iyun, shanba № 66 (3259)

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

Ислом КАРИМОВ

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Мамлакатимизда болаларнинг ёзги таътил мавсумини сермазмун ва завқли ўтишини таъминлашга жиддий ёндашилади. Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепциясининг қабул қилиниши мазкур йўналишдаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш имконини берди. Хусусан, бу борада мукаммал тизим яратилиб, фаолиятни комплекс тарзда олиб бориш йўлга қўйилди. Бу жараёнга Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳар йилгидан ўзгача

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан 2011 йилдан бошлаб болаларни ёзги соғломлаштириш йўналишидаги ишлар тизимли янгича ёндашув асосида амалга оширилгани натижасида, оромгоҳлар фақат жисмоний соғломлаштириш марказлари сифатида эмас, балки болаларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий-интеллектуал ривожлантириш масканларига айланди.

Миллий Матбуот марказида ўтказилган «Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан болаларни сифатли соғломлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар» мавзуидаги матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил сўз юритилди. Унда ЎзКУФК масъул ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан жорий йилги ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижада, оромгоҳларда болалар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш, малакали педагог ва тиббиёт ходимларини жалб этиш ҳар жиҳатдан яхшиланди. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркибида тегишли вазирликлар раҳбарлигида бешта Ишчи гуруҳи тузилиб, мунтазам фаолияти йўлга қўйилди.

Мавсумда республика бўйича 1000 та: хусусан, 210 та стационар, 790 та кундузги, яъни, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошидаги оромгоҳлар, 50 та меҳнат ва дам олдириш оромгоҳи фаолият кўрсатади. Уларда 270 минг 350 нафардан зиёд ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 10 минг нафарга ортиқдир.

Ихтисослаштирилган оромгоҳлар

Жорий йилда ихтисослаштирилган оромгоҳлар сони ортиши билан бирга, уларнинг фаолияти мазмунан бойитилди ҳам. Хусусан, 2011 йилдан амалга киритилган «Интеллектуал ривожлантириш», «Тарбия ва спорт», «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳлари қаторига «Экологик-биологик», «Ўлкашунослик», «Техник ижодкорлик», «Ижтимоий мослашув» оромгоҳлари қўшилди. Бундай оромгоҳга болалар қобилияти ва қизиқиши бўйича қамраб олинади.

«Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳларида касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда фан олимпиадалари, билимлар беллашувлари ғолиблари бўлган иқтидорли болалар ҳордиғи ташкил этилади. Хусусан, Федерация Кенгашининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида билимлар беллашуви ва фан олимпиадалари ғолиблари бўлган ўғил-қизлар касаба уюшмалари томонидан бепул йўлланмалар асосида соғломлаштирилади. «Тарбия ва спорт» оромгоҳларига болалар жойлардаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари билан ҳамкорликда жалб этилади. «Ижтимоий мослашув» оромгоҳларида эса жисмоний имконияти чекланган болалар имтиёзли асосда ҳордиқ чиқаришади.

Маълумки, оромгоҳларда асосан 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар дам олдирилади. Амалиётга киритилганига унча кўп бўлмаган «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳларига эса 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар жалб этилиб, дам олиш билан бирга, уларга дастлабки меҳнат кўникмалари ҳам сингдирилади. Бу турдаги оромгоҳлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида маҳаллий ҳокимликлар, касаба уюшмалари, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилади. Улар сони бу йил икки баробарга ортди.

Имтиёз — ғамхўрлик демакдир

Давлатимиз томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган болаларни имтиёзли соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, жорий йилда жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг 30 минг нафардан зиёд фарзандини имтиёзли соғломлаштириш режалаштирилган. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида эса касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида маҳаллаларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 600 нафар ўғил-қизи имтиёзли равишда дам олдирилади.

Иқтидорли болалар «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳларига бепул йўлланмалар билан таъминланади. Бундан ташқари, анъанавий равишда 4,5 минг нафар Оролбўйи болалари бепул, Меҳрибонлик уйларининг икки минг нафар тарбияланувчиси имтиёзли соғломлаштирилади. Имконияти чекланган болалар учун бир қатор оромгоҳлар негизида «Ижтимоий мослашув» оромгоҳлари ташкил этилиб, улар бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 1,5 минг нафар ўғил-қиз ўз онаси билан бирга ҳордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлаши кўзда тутилган.

Хавфсизлик масъулияти

Барча оромгоҳлар турли тоифадаги 15 минг 729 нафар педагог, 1 минг 135 нафар тиббиёт ходими, 1 минг 87 нафар спорт йўриқчиси ва бошқа соҳа ходимлари билан тўлиқ таъминланди. Улар танлов асосида саралаб олинди. Хавфсизликни таъминлашга ички ишлар идораларининг 442 нафар ходими бириктирилиб, назорат ишлари йўлга қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада).

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Ёшлик ва нафосат байрами

Бухорода «Универсиада — 2013» мусобақаларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

«Универсиада — 2013» мусобақалари ўтказилиши муносабати билан вилоятдаги замонавий спорт иншоотлари сони анчага кўпайди. Чунончи, Бухоро муҳандислик-технология институтида йирик спорт зали фойдаланишга топширилди. Қиймати 1,4 млн. сўмни ташкил этадиган ушбу мажмуанинг биринчи қавати баскетбол, қўл тўпи, мини футбол, волейбол мусобақалари учун мўлжалланган бўлса, иккинчи қаватда гимнастика зали, жамоалар, ҳакамлар хоналари, ювиниш, кийим алмаштириш хоналари мавжуд.

Бухоро давлат университетида эса волейбол, баскетбол, шахмат, тренажёр залларидан иборат иншоот қуриб битказилди. Университет спорт мажмуаларида амалга оширилган 1,9 млрд. сўмлик реконструкция ишлари натижасида универсиада тақвимига кирувчи футбол мусобақалари учун кенг қулайликлар яратилди. Шу билан бирга, бу ерда югуриш йўлаклари, баландликка ва узунликка сакраш, найза улоқтириш, мини футбол, баскетбол, волейбол, теннис майдонлари бунёд этилди.

«Универсиада — 2013» мусобақаларининг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида «Бухоро», «Ҳумо», «Семурғ» мажмуалари ва бошқа бир қатор марказ ҳамда спорт залларида ҳам қулай шарт-шароитлар яратилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ишхонамизга ахборот технологиялари йўналишида касб-ҳунар коллежини битирган бир йигит келди. Билим ва малакаси синаб кўрилиб, ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинди.

Битирувчининг иш жойи тайин

Ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган яна бир ёш йигит ишли бўлди, жамиятда ўз ўрнини топди. Унинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгарди. Ўзига ва эртанги кунга ишончи ортди...

Бундай мисолларни бошқа корхона, идора ва ташкилотлар, соҳа ва ҳудудлардан кўплаб келтириш мумкин. Зеро, бугун мамлакатимиз касб-ҳунар коллежларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, замонавий билимларни пухта эгаллаган ёшлар камолга етмоқда.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, бугун мамлакатимиз ёшлари ўрта махсус билим юртларида 215 хил касб-ҳунар ўрганмоқда. Уларнинг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмоқда. 2012 йилда 501 мингдан ортиқ битирувчининг 450 мингдан зиёди иш билан таъминланган, қолганлари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Бу йил юртимиздаги касб-ҳунар коллежларини 500 мингдан ортиқ ўқувчи тамомлайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида уларни ишга жойлаштиришнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилган.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида ҳозиргача қарийб 482 минг нафар битирувчини ишга олиш бўйича уч томонлама шартномалар тузилган. Касб-ҳунар коллежлари ва иш берувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг турли шаклларидан фойдаланилаётгани, ушбу масалага жамоатчиликнинг кенг жалб этилаётгани бу борада муҳим омил бўлаётир.

Янги иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга бундай юксак эътибор бошқа мамлакатларда кам учрайди. Аксинча, ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз меҳнат бозорига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Кўпгина давлатларда йирик корпорациялардан то кичик корхоналаргача иш ўринларини қисқартириш чоралари кўрилаётир. Оқибатда ишсизлик даражаси ўсиб, ижтимоий кескинлик кучаймоқда. Жумладан, Европа Иттифоқининг статистика бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йил март ойида еврозонага кирувчи 17 мамлакатда ишсизлик даражаси 12,1 фоизни ташкил этган. Феврал ойида 19,07 миллион киши ишсизлар сафидан жой олган бўлса, мартда бу кўрсаткич 19,211 миллион кишига етган. Бу борада ёшлар ўртасидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар орасида ишсизлик ўртача 24 фоизни ташкил этади. Испанияда бу кўрсаткич 55,9, Италияда 38,4, Португалияда 38,3 фоизга етган.

Экспертларнинг фикрича, бундан беш йил олдин Европада ишсизликнинг 25 фоизли кўрсаткичи мумкин эмас, деб ҳисобланарди. Бугун эса ишсизлик минтақадаги кўплаб мамлакатларда энг долзарб муаммога айланди.

Бунинг акси ўлароқ, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётгани халқаро ҳамжамиятда катта ҳавас уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрда ўтган ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида бу борадаги давлат сиёсати ўзининг яққол ифодасини топган.

(Давоми 3-саҳифада).

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий шериклик учун яратилган кенг имкониятлар самараси ўлароқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият кўлами кенгайиб бормоқда. Буни бир қатор ижтимоий масалалар, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашда улар томонидан қўшилаётган муносиб ҳисса ҳам тасдиқлаб турибди.

Аҳоли бандлигида нодавлат ташкилотлари ўрни

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг «Бандликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳаси ҳамкорлигида ўтказилган «Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг шаклларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш» мавзуидаги семинар-тренингда ушбу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда аҳоли бандлигини таъминлаш нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, касаба уюшмалари олдида турган муҳим масалалардан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мазкур йўналишда қабул қилинган дастурларни ўзаро манфаатли ижтимоий шериклик асосида ҳаётга татбиқ этиш ва бу борада жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари олдида турган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимизда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қабул қилинаётган дастурларда хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга катта аҳамиятда берилаётир. Ушбу дастурларнинг ижроси, шубҳасиз, барқарор иш ўринларини ташкил этишга, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, тадбиркорликнинг жадал ривожланишига зарур шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг янги иш ўринлари яратиш ва бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ишларидаги иштироки тобора салмоқлироқ бўлиб бормоқда. Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар билан ижтимоий ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Тошкент вилоятларида ташкил этилган кичик корхоналарда хотин-қизлар, ёшлар ва кам таъминланган оилалар вакиллари бандлиги таъминланди. Касаба уюшма мактаблари ҳисобидан барпо этилган «Касаба текс», «Касаба таъмир», «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси каби кичик бизнес субъектларида 70 дан ортиқ киши меҳнат қилаётир. Мазкур йўналишлардаги ишлар Обод турмуш йилида ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали бандликка кўмаклашиш, ходимларни касбга қайта ўқитиш, касбий малакасини ошириш, уларнинг муносиб меҳнат шароитларида ишлашини таъминлаш, меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Яратилган янги иш ўринларининг ҳақиқийлиги устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашилиб, амалиётчи ўқувчилар ва ишга янги қабул қилинган битирувчиларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий ҳамкорлик аҳоли бандлигига кўмаклашиш йўналишидаги ишларда сезиларли натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Семинар-тренинг иштирокчилари томонидан аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини янада кенгайтириш, кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш ўринларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбирда меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлаш, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг замон талабларига мувофиқ, доимий равишда такомиллаштириб борилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидаларни белгилаб қўйиш, корхоналарда экология жиҳатидан хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолатининг мунтазам назорат этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг амалиётдаги самарасига атрофлича тўхталинди.

Йиғилиш иштирокчилари аҳоли обод турмушининг асосий омилларидан бири бўлган меҳнат ва иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонун ҳамда қонун ҳужжатларининг самарадорлиги юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, тадбир давомида ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг асосий кўрсаткичлари, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ННТлар иштирокининг миқёси, истиқболлари ва тажрибаси каби мавзуларга оид таклифлар билдирилди.

Семинар-тренинг якунида билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишидаги фаолият кўламини янада кенгайтириш, бу борадаги ижтимоий шериклик алоқаларини кучайтириш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Ishonch
2013-yil 1-iyun № 66 (3259)

Касаба уюшмалари — болаларга

Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат

Жамоамизда «Маънавият соатлари» мунтазам ўтказиб келинади. Муддао болажонларни комил инсонлар қилиб тарбиялашга мустаҳкам пойдевор яратишдир.

Бетакрор тасвир иштиёқи

Аслида ҳам бола тарбиясидан муҳимроқ вазифа бўлмаса керак. Тарбия муассасамизга фуқароларнинг 85 нафар фарзанди қатнайди. Гуруҳлар ўртасида тозалик, саранжомлик, кичкинтойлар истеъдодини шакллантириш юзасидан турли танловлар ўтказиб келинмоқда. Катта тажрибага эга Журсуной Қодирова, Хожар Қобилова каби тарбиячилар билимдонлиги, тадбирларни ташкил этишдаги маҳорати билан ажралиб туради. Ҳамшира Дилдора Жабанова эса ҳар бир боланинг саломатлигига жавобгар.

Теварак-атроф саришталигига эътиборни шундан ҳам билиш мумкинки, ҳафтанинг бир куни ободончиликка бағишланган.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси, айтиш мумкинки, кунда қилиб юрган ишларимиз билан уйғунлашиб кетди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши муассасамизни бу борада ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Биз ҳам болаларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига ҳозирдан юртга меҳр туйғуларини уйғотишга интилаяпмиз.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан болажонлар учун кенг майдон ҳозирланган бўлиб, улар асфалтга ўзлари яшаётган юрт, бебаҳо табиатимиз, болаликнинг бетакрор оламини тасвирлашади. Танлов ғолиблари муносиб тақдирланади.

Касаба уюшмаларидаги ўзгаришлар бошланғич ташкилотимиз иқтисодий имкониятини оширди. Энди тарбиячиларни одатдагидан кўпроқ дам олдириш, саёҳатларга олиб чиқиш имконига эга бўлдик.

Адаш ҚИЁМОВА,
Пайариқ туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси

Бу йил ёзги таътилда Фарғона вилоятидаги 123 та оромгоҳда 30 минг нафар бола ҳордиқ чиқаради. Шунингдек, шаҳар, туманлардаги 826 та умумтаълим мактабида «Соғломлаштириш марказлари» ташкил этилиб, уларда 66.462 нафар ўқувчи саломатлигини мустаҳкамлайди. 53 та спорт мактаби ва турли жойларга уюштириладиган саёҳатларга 63.269 нафар болажон жалб қилинади.

Энг яхши масканда

Яқинда мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, шаҳар, туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, оромгоҳлар раҳбарлари, бош тарбиячилар ва ҳисобчилар иштирокида «Фарғоназот» ОАЖнинг «Кимёгар» оромгоҳида кўргазмали семинар ўтказилди. Унда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил ҳар жиҳатдан мазмунли ўтишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар ижроси юзасидан атрофлича сўз юритилди.

Семинарнинг мазкур оромгоҳда ташкил этилиши бежиз эмас. Қарийб етти йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган оромгоҳда дастлабки йили 195 нафар кичкинтой ҳордиқ чиқарган бўлса, ўтган йили 1369 ўқувчи дам олиб қайтди. Мавсум якунида эса болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг қарорига кўра ушбу маскан вилоятда энг яхши болалар оромгоҳи деб топилиб, диплом ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Йиғилиш иштирокчилари мавсумга тайёргарлик юзасидан атрофлича фикрлашиб олдилар.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
«Фарғонаазот» ОАЖ «Кимёгар» газетаси муҳаррири

Ҳар йилгидан ўзгача

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мавсумни намунали ташкил этиш мақсадида касаба уюшмалари ва тегишли вазирликлар ҳамкорлигида жойларда ҳудудий семинарлар ўтказилди. Уларда оромгоҳлар ва унда фаолият юритувчи ходимларга тавсиялар, турли қўлланмалар, болалар учун мўлжалланган филм ва қўшиқлар тўпламлари тақдим этилди.

Шунингдек, ҳар бир оромгоҳ Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўрганилиб, болалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилди. Мавсум давомида туну кун навбатчилик ташкил этилади. Бундан ташқари, оромгоҳлар тегишли рўйхат бўйича дори-дармон воситалари, махсус зардоблар (вакциналар) билан тўлиқ таъминланди. Болалар дармондориларга бой рацион ва таомномалар асосида овқатлантирилади. Озиқ-овқат сифати, болалар саломатлиги доимий равишда мутахассислар назоратида бўлади. Овқатланиш ва ётоқ жойларида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатилади.

Маънавий камолот йўлида

Оромгоҳларда болалар нафақат жисмоний чиниқади, балки билими мустаҳкамланиб, маънавияти ҳам бойитилади. Жорий йилдан бошлаб оромгоҳлар иш дастурига илк бор хорижий тилларни ўргатиш бўйича махсус тўгараклар фаолияти киритилди. Бу Давлатимиз раҳбарининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди.

Маданий тадбирлар сифатини ошириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ таниқли санъаткорлар, ёш ижрочиларининг концерт дастурлари намойиш этилади.

Оромгоҳларда қатор ташкилотлар, шу жумладан, касаба уюшмалари томонидан маданий-маърифий тадбирлар, таниқли инсонлар билан учрашувлар, бадиий кеча, фестивал, кўрик-танлов, китобхонлик байрами ҳамда болалар акциялари ташкил этилади. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этиладиган «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати», «Касаба уюшмалари — болаларга» акциялари шулар жумласидан. Бундан ташқари, спорт-соғломлаштириш бўйича махсус дастурлар тайёрланиб, унга мувофиқ турли спорт мусобақалари, оромгоҳлараро спартакиадалар, хотира турнирлари ўтказилади.

Болажонларнинг табиат қўйнига саёҳатларини уюштириш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Дарвоқе, кундузги болалар оромгоҳлари кун давомида маънавий-интеллектуал, маданий тадбирлар билан қамраб олинади. Улар учун турли йўналишлардаги тўгараклар иш олиб боради. Шунингдек, таътил даврини мазмунли ташкил этиш мақсадида болалар «Баркамол авлод» марказлари, спорт секцияларига жалб этилади.

Манзилли дастур асосида

Давлатимиз томонидан соҳа ривожига кўрсатилаётган эътиборнинг ортаётгани боис, икки йилдан буён болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастур тасдиқланмоқда. Унга кўра, республикада мавжуд оромгоҳлар моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, янги дам олиш масканлари барпо этилаяпти. Ўтган йилги Манзилли дастурга мувофиқ 30 дан ортиқ оромгоҳ капитал таъмирланди, реконструкция қилинди ва учта янги оромгоҳ қурилишига киришилди. Жорий йилда иккита янги оромгоҳ барпо этиш, 15 та оромгоҳни реконструкция қилиш ва 19 та оромгоҳни капитал таъмирлаш режалаштирилди.

Анжуман якунида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
ЎзКУФК матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди

Оиласидан узоқда юрган болажоннинг ҳам жисмонан, ҳам маънан хавфсизлигини таъминлаш оромгоҳ ходимлари зиммасидаги муҳим юмушлардан бўлиб, Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотчиларининг ҳисобот семинарида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Таътил марокли ўтади

Унда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят доимий комиссияси аъзолари, ҳамкор ташкилот мутасаддилари, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари раислари, оромгоҳлар раҳбарлари, ҳисобчилар, бош етакчилар, ошпазлар, спорт ва сузиш бўйича йўриқчилар ҳамда врачлар иштирок этди.

— Вилоятда жорий йилда 96 та оромгоҳ фаолият юритади, шундан тўққизтаси стационар, 87 та кундузги оромгоҳ, — дея маълумот берди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова. — 9 та стационар оромгоҳда мавсум давомида 5420 нафар болажонни дам олдириш учун ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 210,3 млн., касаба уюшма маблағи ҳисобидан 151,4 млн., 87 та кундузги оромгоҳда 11310 нафар болани дам олдириш учун ҳомийлар ҳисобидан 565,5 млн. сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган.

Семинарда оромгоҳларда фаолият юритувчиларнинг ҳар бирига ўз соҳасига доир ишлаб чиқилган янгича функционал вазифалар тушунтирилди ҳамда тўплам сифатида тарқатилди.

Болаларда «оммавий маданият»нинг турли иллатларига қарши иммунитетни шакллантириш, улар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдиришга қаратилган дастурларни амалга ошириш, бу борадаги ишларга давлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш борасида тавсиялар берилди. Жорий мавсумда туманлардаги «Баркамол авлод маркази» тўгарак раҳбарларининг дам олувчиларга ҳунар ўргатиши тизимли асосда таъминланиши назарда тутилди. Шунингдек, инглиз ва рус тили тўгараклари фаолиятига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Болажонларда санъатга бўлган меҳрни кучайтириш мақсадида бирлашма томонидан миллий куй-қўшиқларимиз тўпланган дисклар оромгоҳ масъулларига етказилди.

Видеокузатув ускуналари билан оромгоҳларнинг таъминланиши эса айни муддао бўлиб, ички ишлар бошқармасининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада енгиллаштиради.

Оромгоҳларнинг иқтисодий имкониятини кенгайтиришга оид янги ташаббуси кўпчилик томонидан маъқулланди. Эндиликда мавжуд стационар оромгоҳларда бизнес-режа асосида қуёнчилик, паррандачилик ташкил этилиб, доимий даромад манбаига эга бўлиш мумкин. Бу билан, аввало, моддий фойда кўрилса, иккинчидан, парҳез маҳсулотлар билан болажонлар озуқасини бойитиш, шунингдек, оромгоҳ ҳудудида йил давомида ишловчиларни иш билан таъминлаш имконияти юзага келади.

Коммуникация, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммолар тегишли тармоқ мутасаддилари томонидан семинар асосида ҳал этилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Кўзларда қувонч

Кенг ва ёруғ зал байрамона безатилган. Ён-атрофда болаларга завқ бағишловчи турли ўйинчоқлар, гуллар, хушманзара табиатни, спорт-соғломлаштирувчи машқлар акс этган фотостеллар, ўзбекона чойхона тимсоли, ўзбек халқ эртаклари қаҳрамонлари қиёфасидаги тарбияланувчи ва тарбиячилар... Болаларни шўх-шодонликка, қўшиқ ва рақсга чорловчи мусиқа садолари нафақат жажжи ўғил-қизлар, балки уларни байрам билан қутлагани келган ота-оналар кўнглига ҳам ҳузур бағишлайди.

Тадбирнинг қизғин палласида мусиқа садолари бир муддат тинди. Байрам муносабати билан ташриф буюрган қатор ҳомий ташкилот, корхона ва муассаса вакиллари болаларни қувончли кун билан муборакбод этиб, ўз совғаларини топширишди.

— Масканда даволанаётган ўғил-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларга шодлик бахш этиш инсоний бурчимиз, — дейди биз билан суҳбатда «ДЭУ текстил Бухоро» МЧЖ хориж корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Воҳида Ҳамроева.

Фаолият бошлаганига тўрт йил бўлган Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё каби вилоятлардан қабул қилинган жисмоний ва ақлий нуқсони бор болаларнинг 199 нафари тарбияланиб, даволанмоқда. 119 нафар ходим улар хизматида. Айниқса, ҳамшира Раҳима Раҳимова, тарбиячи Феруза Ашурова, ошпаз Олия Файзуллаева, боғбон Ашур Жўраевларнинг хизмати кўпчиликка ибрат бўляпти.

Интернат уйида аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланган. Унга кўра ўғил-қизлар ҳар йили икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли тиббий муассасалардаги малакали мутахассислар улар саломатлигини текшириб, назорат қилиб боришади. Бундан ташқари, ҳар уч ойда тарбияланувчилар тиббий-педагогик-психологик комиссия кўригидан ҳам ўтишади. Бу ерда даволашдан ташқари спорт-соғломлаштириш машғулотлари олиб борилади. Шунингдек, турли кўнгилочар дастурлар уюштирилиб, қўғирчоқ театри томошалари намойиш этилади.

«Мурувват» уйи ҳудудида каттагина экин майдони мавжуд. Бу ерда турфа гуллар ўстириш билан бирга, иссиқхонада сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари: лимон, помидор ва кўкатлар ҳам етиштирилади. Шунингдек, қорамол, қўй-эчки, парранда парвариши йўлга қўйилган.

— Юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли тарбияланаётган ва даволанаётган болаларимиз учун барча шароит яратилган, — дейди интернат уйи директори, тиббиёт фанлари номзоди Мўмин Эргашев. — Ушбу эътиборга жавобан биз ҳам қўшимча имкониятларни излаб топяапмиз. Боз устига саховатпеша, савобталаб жамоалар сафи кенгаймоқда. Жумладан, «ДЭУ текстиль Бухоро», «Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси», вилоят прокуратураси, касаба уюшма ташкилотлари, Бухоро давлат университети, Ғиждувондаги «Бек» ресторани, «Бухородон» каби ўнлаб жамоалар шулар жумласидан. Биз улардан чексиз мамнунмиз.

И. ҲОЖИЕВ

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ учун Қарши шаҳрида ташкил этилган семинарда қатор долзарб масалалар ҳақида сўз борди. Семинарни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси ўринбосари Эсон Ражабов олиб борди.

Ҳамжиҳатлик билан

— Жорий йилда мавжуд 19 та оромгоҳда 25740 нафар боланинг соғломлаштирилиши режалаштирилган, — деди бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов. — Шундан 16180 нафар ўғил-қиз ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан, 9560 нафар бола туман, шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда ҳомий ташкилот, корхона, муассаса ва тадбиркорлар ҳисобидан дам олдирилади.

Жорий йилнинг 17-20 май кунлари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бирлашма, халқ таълими бошқармаси, Қарши давлат университети, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда оромгоҳ бош етакчиларининг, 28-30 май кунлари эса «Ёшлар» марказида 100 нафардан ортиқ гуруҳ етакчиларининг ўқуви бўлиб ўтди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ва бирлашма кенгашининг мавсум давомида болалар оромгоҳларида ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари дастури, кўчма кинофилмлар намойишини ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди.

Бирлашма кенгаши ходимлари ва тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг масъул ташкилотчиларидан иборат тезкор ишчи гуруҳ ташкил этилиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Семинарда иштирок этган касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ижтимоий суғурта бўлими мудири ўринбосари Эркин Юсупов мавсумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш, «Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси»нинг дастурий вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Саидов оромгоҳларда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлаш масаласида маъруза қилди.

Тегишли ташкилотлар вакиллари томонидан болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, оромгоҳларда озиқ-овқатлар сифатини, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш, дори-дармонлар билан таъминлаш, хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, оромгоҳларга кузатиш ва кутиб олишда транспорт хизмати, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш каби қатор масалалар юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тегишли маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз

Эртаклар мурғак қалбларга эзгу ҳисларни сингдиради. Уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, аҳиллик каби фазилатлар улуғланиб, ёвузлик қораланади.

Эртаклар оламига саёҳат

Яқинда мактабгача таълим муассасамизнинг ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан тарбияланувчилар ўртасида «Эртаклар оламига саёҳат» мавзуида тадбир ўтказилди. Саҳна деворлари мавзуга доир фотостенд, сурат ва турли кўргазмалар билан тўлдирилди. Дастлаб тадбир қатнашчилари «Зийраклар ва топқирлар» ҳамда «Яхши болалар» гуруҳларига бўлиниб, «Эртак нима?», «Сиз қандай эртак турларини биласиз?», «Эртаклар бизга нималарни ўргатади?» каби анкета саволларига жавоб беришди.

Гуруҳ аъзолари эртакларни номманом санаб, улардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини ифодалаш, уларга тақлид қилиш каби шартлар бўйича ҳам фаол иштирок этишди. Кроссворд, бошқотирма ва топишмоқларни ҳамжиҳатликда ечишга ҳаракат қилишди. Улар эртаклар оламига саёҳат уюштириб, турли ҳайвонлар, турфа хил қушлар ва ҳашаротлар қиёфасида намоён бўлиб, ўзбек ва инглиз тилларида саҳна кўринишлари намойиш этишди.

Шундан сўнг болалар учун янги чиққан адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди.

Муассасамизда 220 нафар болажонни эзгу қадриятлар руҳида тарбиялашда Менигул Тожибоева, малакали тарбиячилардан Ирина Мациевич, Дилфуза Мухторова, Маърифат Умматоваларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Дарвоқе, бугун жамоамиз туман бўйича ўтказилган кўрик-танловда «Энг обод муассаса» номинацияси ғолиби руҳи билан яшаётир.

Тадбирда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол туман кенгаши раиси Абдулҳаким Шакарбоев сўзга чиқиб, бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ва тарбиячиларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширди.

Манзура БЎКАНОВА,
Ғаллаорол тумани «Учқунча» номли 5-МТМ касаба уюшма қўмитаси раиси

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялаш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Оила саломатлиги» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Саломатлик дарслари» ҳам шу мақсадга қаратилди.

Саломатлик сабоқлари

Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактабидаги дарслар интерактив тарзда ўтказилди. Саломатлик тушунчаси, саломатликни таъминлашнинг асосий омиллари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда оиланинг роли каби мавзулар дарснинг асосини ташкил этди. Шунингдек, дарс давомида ўқувчиларга соғлом турмуш тарзига бағишланган ролик қўйиб берилиб, унда Фонд Форум ва ҳамкор ташкилотларнинг хайрия марафони ва футбол ўйинларини қамраб олган «Ҳаёт учун!» лойиҳаси ҳамда бошқалар ҳақида маълумот берилди.

— Мазкур тадбир ўқувчиларда «соғлом турмуш тарзи» тушунчаси моҳиятини очиб бериш, ўз саломатлигига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш, саломатлик инсон ҳаётидаги энг катта бойлик деган тасаввурни пайдо қилишда муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ, — дейди мактаб директори Г. Музаффарова.

Умида НУРМАТОВА,
41-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

Ўзбек ўғлони Италияда

Юртимизда ёш авлод камоли йўлида барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган бўлиб, бундан унумли фойдаланганлар ўз иқтидорини нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам намоён этмоқда. Шундай салоҳият соҳибларидан бири Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ўн ёшли Қодирбек Холиёровдир. У яқинда Италиянинг Сан-Ремо шаҳрида ўтказилган санъат фестивалида қатнашиб келди. Ўткир зеҳни, билими ҳамда санъатга бўлган қизиқиши туфайли тенгдошларидан ажралиб турадиган Қодирбек билан сафар таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.



— Қодирбек, дастлаб фестивал ҳақида гапириб берсангиз...

— Сан-Ремо шаҳри гарчи унча катта бўлмаса-да, ҳар хил кино ва санъат танловлари ўтадиган мафтункор ва ўзига хос шаҳарча экан. Турли давлатларнинг миллий санъатини кўрикдан ўтказадиган анъанавий болалар санъат фестивалида дунёнинг 23 мамлакатидан жамоалар иштирок этишди. Бизнинг жамоа миллий рақс дастури билан қатнашиб, якунда Туркиядан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

— Бизга яна нималар ҳақида гапириб беришингиз мумкин?

— Италия жуда мафтункор ва тарихий мамлакат экан. Менда кўҳна ва озода Рим, маҳобатли «Колизей» мажмуаси, барча инсонлар ўз ниятларини айтадиган «Орзулар кўли» катта таассурот қолдирди.

Рим бўйлаб қилган саёҳатимиздаги яна бир диққатга сазовор жой — бу Ватикан давлати бўлди. Ватикан Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган шаҳар-давлат бўлиб, кириш олдидан бизга кичкина паспорт беришди. Ватикан — католик черковининг маркази бўлиб, қароргоҳнинг қарийб ҳамма томони тош девор билан ўралган. Сайёҳлар шунчалар кўпки, оғоҳ бўлмасангиз, шерикларингизни йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас...

Ёшгина юртдошимизнинг дадил фикрлаши ҳавасимизни уйғотди.

Олмазор туманидаги «Сеҳриё» махсус мактабида таҳсил оладиган Қодирбекнинг баҳолари аъло. Математика, она тили, рус тили, инглиз тили фанларига қизиқади. Санъат тўгарагига қатнашиш билан бир қаторда, «у-шу» спорт тури билан ҳам шуғулланади. Дадаси Мухторжон ҳуқуқшунос, онаси Сожидахон Тошкент давлат техника университетида инглиз тилидан дарс беради.

— Ўғлингиз Ўзбекистонга келганда, ўз уйига қадам қўйганда ўзини қандай тутди, — дея сўраймиз Сожидахондан.

— У Италияда бор-йўғи бир ҳафта бўлган бўлса-да, гўёки жуда кўп вақтга кетгандек туюлибди. Келибоқ укаси Шаҳриёрга «Ҳалиям ўсмабсанку?!», — деди болаларча ҳайрат билан. Ўғлимнинг жамоаси энг кичик ёшли ижрочилардан тузилган бўлса-да, фахрли ўринни олганидан бошимиз кўкка етди. Бизга шундай ажойиб шароитларни яратиб берган Юртбошимизга, ўғлимга сабоқ бераётган устозлари Ирина Сидорова, Аниса Садикова, Елена Яковецга оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

— Келажакда ким бўлмоқчисиз? — Қодирбекка юзланамиз.

— Санъат ва спортдан ташқари дарсларни тайёрлаш, китоб ўқиш ҳам севимли машғулотим. Аъло баҳоларга ўқиб, халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиш, ғолиб бўлиш орзуим бор. Мақсадим — шифокор бўлишдир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Битирувчининг иш жойи тайин

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Дастур ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини, меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган. Жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Бу ўринлар, асосан, йирик саноат объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Мазкур дастурда таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига муҳим ўрин ажратилган. Касб-ҳунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган. Уларни «коллеж – корхона» тизими бўйича 90 мингдан зиёд корхона ва ташкилотга бириктириш, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишни истаган битирувчиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш ҳам ана шундай хайрли ишлардандир.

Бугунги кунда ушбу чора-тадбирлар ижроси юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 1391 касб-ҳунар коллежи иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Мисол учун, кимё саноати соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган 24 касб-ҳунар коллежи «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда «Қўнғирот сода заводи», «Навоийазот», «Аммафос-Максам», «Фарғонаазот» сингари 11 йирик корхонага бириктирилган.

Давлат таълим стандартлари бўйича коллеж ўқувчилари 660 соат мобайнида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини ўтайди. Бу уларнинг ўз касбини пухта ўрганиши, бўлғуси фаолияти бўйича зарур кўникмаларга эга бўлиши ҳамда ишга жойлашишида муҳим ўрин тутади.

— Ўқувчилар амалиётини сифатли ташкил этиш ва уларни келажакда иш билан таъминлаш мақсадида ўндан ортиқ корхона ва ташкилот билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди пойтахтимиздаги Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори Норпошша Мирсоатова. — Учинчи босқич ўқувчиларининг 225 нафарини корхоналарга бириктирган эдик. Ўқувчиларимиз амалиёт ўтаётган корхоналарга бирма-бир бориб, уларнинг иш жараёнини кузатдим. Корхона раҳбарлари, амалиётчи устозларнинг ўқувчиларимиз ҳақидаги фикрларини эшитиб, хурсанд бўлдим. «Корхона — коллеж» ҳамкорлиги самарасида улар ўз ишининг устаси бўлиб етишмоқда.

Кўплаб тўқимачилик компаниялари, шу соҳада фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари коллеж ўқувчиларини ишга олмоқда.

— Амалиётимни «Алким-текстиль» корхонасида ўтаган эдим, — дейди коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Гулноза Аширалиева. — Вазифаларни яхши уддалаганим сабабли ишга таклиф этишди. Яқинда коллежни битираман. Эртанги кундан кўнглим тўқ, чунки иш жойим тайин.

Мамлакатимизда коллеж битирувчиларининг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Уларга режа тузишдан бизнесни юритишгача бўлган барча жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда, зарур миқдорда сармоя билан таъминланмоқда. 2012 йилда бундай ёшлар учун тижорат банклари томонидан 48,4 миллиард сўмдан ошиқ имтиёзли кредитлар ажратилгани бунинг яққол далилидир. Бундай имтиёз ва имкониятдан фойдаланган 10 мингга яқин битирувчи бизнес-режа асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган.

Бу борадаги ишларга жамоат ташкилотлари ҳам катта ҳисса қўшмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор», «Менинг бизнес ғоям» каби танловлар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк», Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Ёш тадбиркорлар мактаби» ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, уларга услубий ва молиявий кўмак кўрсатишда муҳим аҳамият касб этаётир. Мактаб битирувчиларига «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг махсус грантлари ажратилмоқда. 2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу лойиҳада 3960 нафар йигит-қиз иштирок этиб, тадбиркорлик бўйича зарур билимга эга бўлди ва қарийб 40 фоизи ўз бизнесини йўлга қўйди.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда жойларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам яхши самара бераётир. Муайян худуд меҳнат бозорида ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмаганлар янги касбларга қайта ўқитилмоқда. Ёшларнинг касб танлашига ёрдам бериш мақсадида тузилган Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази ўқувчиларнинг интилишлари, қобилияти ва имкониятларини ўрганиб, зарур маслаҳатлар бермоқда.

Ёшларни иш билан таъминлаш, ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган бундай кенг имкониятлардан самарали фойдаланаётган йигит-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Сифатли таълим олиш баробарида билимини амалиётда мустаҳкамлаётган, фойдали меҳнат билан шуғулланиб, оиласига даромад, жамиятга катта фойда келтираётган бундай ёшлар ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишига шубҳа йўқ.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Тошкент вилояти хўжалик Судининг 2012 йил 16 ноябрдаги 11-1235/10260 — сонли «BAM BRICK TAYYORLOV» МЧЖ ни банкрот деб топиш тўғрисидаги, жамият Кредиторларининг 2013 йил 24 майдаги №4-сонли йиғилиши қарорига асосан Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Шўралисой» ҚФЙ манзилида жойлашган «BAM BRICK TAYYORLOV» МЧЖ мулкий мажмуаси очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:

Объектнинг бошланғич баҳоси 50 929 408 сўм, тўлов шарти — олди-сотди шартномаси имзоланганидан сўнг 30 кун мобайнида. Аукцион савдоси 2013 йил 1 июл соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда «Республика биржа маркази биносида» ўтказилади. Аукцион савдосига қўйилган объект сотилмай қолган тақдирда объектнинг такрорий савдоси 2013 йил 16 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ёки юридик шахслар «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг, қуйидаги ТИФ Миллий банк Тошкент шаҳар Ҳамза филиали 20208000304876496001, МФО: 00847, СТИР: 301 743 808 ҳисоб рақамига объект учун бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

аукционда иштирок этиш учун икки нусхадаги буюртманома; юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, низом ва таъсис ҳужжатларининг нусхалари, таъсисчиларнинг аукционда иштирок этиши бўйича қарори, раҳбарнинг тегишли буйруғи; шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Кўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. **Хизматлар лицензияланган RR – №0008.**

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ 2013 йилнинг 23 май куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоси натижасини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, Ўразов кўчаси 2-уй манзилида жойлашган ТТМЗ «Мева-Сабзавот» МЧЖ мулкий мажмуаси. Бошланғич баҳоси 779 915 364 сўм — сотилиш баҳоси 826710960 сўм.

«Tashkent realtor service» МЧЖ «Ishonch» газетасининг 2013 йил 25 май, 64 (3257)-сонида берилган эълонга қуйидаги ўзгартириш киритилганлигини маълум қилади:

2. Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун Зангиота тумани, «Қизғалдоқ» ҚФЙ, ТХАЙ ерлари ҳудудида жойлашган 0,7 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — **3 882 883 сўм.** Лицензия RR-0008.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 2 июлда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
-энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
-янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
-сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
-сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
-таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3-соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 2 июл куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-»а» уй, 205-хонада ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-98, 233-22-83

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМК	Савдога чиқарилган нарх	давлат активини сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нархидан 5 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	306,00	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, К.Отабоев кўчаси, 76-уй	Тошкент магистрал каналы бошқармаси	25.04.2012 №1743	331 010 604,00	314 460 073,80	30,00	1 йил
2	"Махсусбутлашгаз" МЧЖ	35,86 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оғаларч кўчаси, 21-уй	"Махсусбутлашгаз" МЧЖ	25.04.2012 №1743	956 999 600,00	909 149 620,00	100,00	1 йил
3	МЧЖ шаклидаги "Бозак" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги "Бозак" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 479 496 200,00	1 405 521 390,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шарти билан.	

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМК	Савдога чиқарилган нарх	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Нотурар жой биноси	463,0	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6"Б"-уй	Тошкент шаҳар ҳокимияти Биноларидан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	377 898 285,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - кўпроқ инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - ҳарид қиймати ва кўпроқ инвестиция киритишга қисқа муддатларда эришга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	29,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маровлова кўчаси, 68а-уй	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	197 104 700,00		
3	«YENGMATIJMARKAZI » МЧЖ	25,0 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй	«YENGMATIJMARKAZI» МЧЖ	25.04.2012 №1743	243 444 680,00		
4	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ	98,64 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Тошпулов кўчаси, 3-уй	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	517 726 900,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМК	Савдога чиқарилган нарх	объектларни сотилиш нархи (объектларни савдога чиқарилган нархидан 5 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	8 204,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли (Найзов) кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фалаж академияси	25.04.2012 №1743	7 317 811 400,00	6 951 920 830,00	2 195 343 420,00	1 йил
2	9 қаватли биноннг биринчи қаватига тадаб қурилган бино	1 044,00	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Кодирий кўчаси, 35-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Биноларидан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	1 294 168 500,00	1 229 460 075,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шарти билан.	

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

AGROBANK

Сир эмаски, бугунги кунда Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча банклар йирик корхона ва ташкилотлардан тортиб кичик бизнес вакилларигача бўлган барча қатламнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда. Буни Агробанкнинг Андижон вилоят бошқармаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда бошқарма томонидан агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини кредитлашга, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

«Агробанк» ОАТБ:
Аҳоли фаровонлиги йўлида

Бугунги кунда банкнинг вилоят туман ва шаҳар бўлимларида фаолият юритаётган 16 та филиали ҳамда тизимдаги 15 та минибанклар мулкчилик шаклидаги 1161 та юридик ва жисмоний шахсга комплекс банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Натижада, аҳолидан жалб қилинган омонатлар миқдори мунтазам ўсиб бораяпти.

Жорий йилнинг биринчи чорагида банкнинг вилоят бошқармаси томонидан саноат, қишлоқ хўжалиги, таъминот ва тайёрлов ташкилотларига, қурилиш, савдо, маиший хизмат ҳамда бошқа соҳаларга 63,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳамда аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида йилнинг биринчи чорагида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига жорий йил давомида 10 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилиб, қишлоқ жойларидаги юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада 977 та янги иш ўрни яратилди.

Обод турмуш йили муносабати билан банкнинг барча филиаллари томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида жами қарийб 400 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, аҳоли талабини ўзимизда тайёрланган сифатли ва арзон маҳсулотлар билан қондириш мақсадида ҳукумат миқёсида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлардан кўзланган мақсад ҳам четдан маҳсулот импортини камайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришдан иборат бўлиб, бу ўзимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам тегишлидир. Банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз вақтида кредитлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан жами 3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

— Халқимиз нонни эъзозлайди. Дастурхонидан ҳеч қачон нон узилмайди, — дейди банк мижози «Соғлом авлод» ИЧХК раҳбари Муҳаммадкарим Мамадалиев. — Маҳалламизнинг, ён-атрофдаги аҳолининг нонга бўлган талабини қондириш мақсадида ҳар хил турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлдик. Шу ниятда Банкнинг Марҳамат филиалидан кредит сўрадик. Кўп ўтмай банк жамоаси мурожаатимизни қаноатлантириб, бизга 50 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағи ажратди. Кредит эвазига қолипли нон технологияси ва бошқа қурилиш материаллари сотиб олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Энг асосийси, янги иш ўринлари яратилиб, 5 киши доимий иш жойига эга бўлди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан банк томонидан жами 500 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

— Хўжалигимиз асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Фаолиятимизни кенгайтириш ва олинаётган даромадни кўпайтириш мақсадида наслли қорамол сотиб олишни режалаштиргандик, — дейди «Одилжон Ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Равшанбек Бўтаев. — Шу мақсадда Агробанкнинг Шаҳрихон филиалига кредит сўраб мурожаат қилдик. Банк мурожаатимизни кўриб чиқиб, қаноатлантирди ва бизга 25 млн. сўм кредит маблағи ажратди. Ҳозирда наслли қорамоллар сотиб олиб, уларни парваришлаяпмиз. Келажакда гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириб, бозорларимиз тўкинлигига ҳисса қўшмоқчимиз. Муҳими, ажратилган кредит ҳисобидан 4 киши ишли бўлди.

Хуллас, банк жамоаси бундан кейин ҳам мижозлар манфаатига мос ва ишончли хизмат турларини кўпайтириб, юрт ободлиги ва турмушимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш ниятида.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 1-iyun № 66 (3259)

Оталик юки

Бадиа

Болалик тасаввуримда «улкан бригада»ни ташкил этадиган бизнинг отарўзғордан секин-аста 15 оила алоҳида бўлиб чиққан. Ҳозир улар ҳам йириклашиб, яна кўплаб кичик оилачаларга ажралишган. Сулоламизни бутун бошли овул деса бўлади. Дарвоқе, қишлоқда бизнинг ҳудудни негадир «Халифаовул» дейишади. Унинг бошида менинг падари бузрукворим туради. Хонадонимиз кунда гавжум. Таъбир жоиз бўлса, ота-онам уларга қалдирғочлар ин қурадиган айвон вазифасини ўтайди — салобатли, беминнат, бағрикенг...

* * *

Отамнинг болалиги ҳақидаги узуқ-юлуқ ҳикоялари мен учун эртакка айланган. Икки ёшга етмай етим қолиб, раҳматли бобомнинг чопони этаклари энг иссиқ ва энг соғинчли гўша бўлгани, опасини эна билиб, иккиси бир чорикни кийиб улғайгани, буғдойли нон еган куни уларнинг ҳаётида байрам саналгани, ўгай ака зуғумидан йиғисинида ошкор этолмай, эсини таниб-танимай пода ортидан эргашиб юрганини кўз ўнгимда жонланади. Бола шуурим билан ўгай ака кимлигини билолмайман. Сўраш хаёлимга келмайди...

Аммо, фарзандлари кўп бўлишига қарамай, бобом отамнинг зеҳнли ва илмга чанқоқ эканини эътибордан четда қолдирмаган. Тақчил ва йўқчил замонда ҳам унинг саводини чиқаришга уринган, турли китоблар келтириб берган. Отам Рўзигул аммам билан иссиғу совуқда бир ковушни бир пойдан алмашиб кийиб, узоқдаги мактабга қатнаган. Албатта, бобом уйда пайтлари. Бошқа дамларда эса қўйнига китоб яшириб, пода ҳайдаган.

Эр етгач, рўзғорнинг бутун юки унинг зиммасига туша бошлаган. Чунки бу вақтга келиб бобом қариб қолган. Ўгай ака эса, уйланиб, алоҳида бўлиб кетган. Шу зайл отаси, ўгай онаси ва етти норасида ука (опаси турмушга чиққан) унинг қўлига қараб қолган. Илм чала қолиб, қора терга ботиб ишлашга тўғри келган. Секин-аста суяги қотган укаларни қаттиқ интизом билан меҳнатга ўргатган. Айни пайтда оила қуришнинг уддасидан чиққан...

* * *

Отамнинг масъулият ҳақида бирон марта гапирганини эслай олмайман. Бироқ унинг зиммасида эсини танигандан бери нечоғли катта юк бўлганини кичик бир воқеа мисолида кўрганман. Нонга тақчиллик сезилган пайтлар бўлди. Пул бор, дон топиш қийинроқ эди. Дўконга бўлка нон келар, оилада неча кишилигига қараб сотиб олардик.

Бир куни отам пул бериб, ҳар галгидай нонга юборди. Дўконда нон тугаган экан. Яқин-атрофдаги уч-тўрт дўконга югургилаб, тополмадим. Биттасидан охирги ўнтача ширин кулча (уни «коржек» дердик) олиб, катта халтачамга солиб уйга қайтдим. Отам кўчамиз бошига қадар келиб, йўл қараб турган экан. Ўзимдан аввал шалвираб турган халтачамга қаради. Юзи тундлашди. Ҳаяллаб қолганим учун жаҳли чиқаяпти, деб ўйлаб қаерларга борганимни айта кетдим. Секин бошимни силади-ю, уйга бошлади. Дастурхон атрофида ҳамма мени кутиб ўтирарди. Биттадан ширин кулча улашилди. Қизиғи, кўпчилик яримтасига тўйиб қолаверди. Отам емади ҳам. Бола бошим билан яна кимлардир емаса, ҳаммасини йиғиб ейман, деб кўзлаб турибман. Ўзимга тегишлисини икки ямлаб ютганману, оч қоринга урвоқ бўлмаган. Онам улушини менга берди. Бироз хижолат тортдим. Лекин қайтармадим. Энди кўзим отамнинг улушида эди. Хуллас, ширин кулчалар ҳаммадан ортиб қолди...

Отам негадир кўринмасди. Қорним сал тўйгач, виждоним уйғонди. Келса бераман ва мақтов оламан, деб отамнинг улушини бекитиб қўйдим. Тушлик шу зайл ўтди. Кечқурун бўлганда қошигача оққа беланган отам бир халтани елкалаб кириб келди — ун экан. Онамга зудлик билан нон қилишни буюрди. Опаларим югуриб-елиб тандирга ўтин қалади. Ярим тунга бориб нон пишди. Отам ухлаб қолганларни бир-бир уйғотиб, иссиқ нон ейишга қистар, сувга бўктирилган иссиқ нон қанчалар тотли бўлишини тез-тез такрорлар, овози негадир титраб чиқарди... Унинг тандир атрофи ёки ерга тушган нон бўлакларини кўрганда онамга қаттиқ дашном беришини шундан кейин тушуна бошлаганман. Ва масъулият нималигини ҳам...

* * *

Бобом ўлими олдидан ўзи улгурмаган вазифаларни ҳам отамга васият қилган. Шу-шу, ука-сингиллари кетидан ўз фарзандларини уйлижойли қилиб, етмишга етай деганда кичик фарзанд бўлмиш мени ҳам уйлантирди. Ўшанда, тўйнинг эртасига ота-онамнинг супада ўтириб, ўзгача сурур билан кенжа келин қўлидан чой ичишаётиб, энтикиб нафас олгани, йиллар бўйи йиғилган чарчоқлари ёзилаётганини ҳис этганман. Отам ҳозир неваралларига уй қуриш ишларига бош-қош бўлиб, ўзи ўстирган тераклардан устун тайёрлаб юрибди. Онам «боғча мудира». Ҳатто мушукларни сут билан боқади. Шундай одамларга фарзанд эканимдан дилда фахр туяман.

Абдулатиф ХУДОЙБЕРДИ ўғли

Газетхон илҳоми

Юртим

Қучоғимга босай, баҳорим,
Йўлларингга фидо жону тан.
Суянч тоғим, гулшан диёрим,
Сенсиз ҳеч ким эмасман, Ватан.

Кўзларимнинг қароғидасан,
Ширин жоним ардоғидасан.
Қайда бўлмай сўроғимдасан,
Сенсиз ҳеч ким эмасман, Ватан.

Ғуруримсан, номусим, орим,
Тожу тахтим, давлатим, борим,
Мадҳинг куйлаб, тинмагай торим,
Сенсиз ҳеч ким эмасман, Ватан.

Дунё сенсан, Ўзбекистоним,
Ягонамсан, дур Ўзбекистоним.
Кўзларимга нур Ўзбекистоним,
Сенсиз ҳеч ким эмасман, Ватан.

Омон АБДУЛЛА,
Шофиркон туманидаги
1-мактаб ўқитувчиси

Бу кўча

Бу кўча ҳали ҳам қадрдон,
Йўлимга райҳонлар экади.
Ёмғирли кунларда менга деб,
Дарахтлар соябон тикади.

Соябон тагида бир япроқ
Ранглари сарғайиб кутади.
Мен боқмай кетаман ҳар сафар,
Боқсам... Осмон қулаб кетади.

Иқрорлик

Тупроққа сўзимни уқтирдим сизлаб,
У менга гул берди, райҳонлар берди.
Тиканга булбуллар тилида сўзлаб,
Юмшатдим. Қошимда гул бўлиб турди.

Кўз ёшимни қўшиб, оҳимни қўшиб,
Лойланган сувларни баъзан тиндирдим.
Ғоҳида шеър бўлдим, гоҳида қўшиқ,
Асов дарёларни гапга қўндирдим.

Ой эртак сўйлади, хулди юлдузлар,
Не десам, ижобат бўлди ўтинчим
Аммо, бир қайсардан задаман, дўстлар,
Афсус, ўз кўнглимга етмади кучим!

Зуҳро АЛИЕВА

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Сирлар ойдинлашди

Иқтидорли ёш шоира Адиба Умирова назм ошуфталари ичида анча танилиб улгурган. Унинг «Яшил тушлар», «Қуёшга йўл» каби шеърий тўпламлари адабиёт муҳиблари томонидан илиқ кутиб олинган. Яқинда шоранинг яна бир китоби дунё юзини кўрди. «Ёруғ сирлар» деб номланган ушбу тўплам Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган. Ундан ўрин олган шеърлар ўқувчини руҳият сайлига чорлайди, ўзи ва ён-верига бир қур назар ташлаб, қайсидир маънода ғафлат пардаларини йиртиб ташлашга ундайди:

Нега хотиржамман бу қадар?
Нимагадир жимжитдек дунё.
Телба руҳим кезар дарбадар,
Бор-йўқлигим сезилмас гўё.

Айни пайтда маржондек тизилган ашъор ранго-ранглиги, мавзулардаги турлилик ижодкорни ҳеч қачон қониқмаслик, безовталик баробарида бироз таскин олишга ҳам чорлайди:

Эҳтимол кўксимга отилган тошлар,
Энг гўзал шеър бўлиб кўчган сатрга.
Ўзимни ғарқ этган аччиқ кўзёшлар,
Нур бўлиб тушгандир гуллар атрига.

«...Шеърият чидам, сабот, узлуксиз меҳнат талаб қиладиган қалб ишидир. Бу йўлда шоирага ғайрат, фидойилик тилайман», — деб ёзади китоб сўзбошисида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов. Биз ҳам шу чоққача «мавҳум ва қандайдир қўнғиртоб» сирларни ойдинлаштирган Адиба Умировага бундан-да юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Мурувватхон НОРМАТОВА

ТАРАДДУД

Дунё мўъжизаларидан бири саналган Регистон хорижлик сайёҳларни лол қолдириб келмоқда. Кундан-кунга яшараётган майдон ҳусни латофатда тенгсиз бўлиб бораяпти.

Яна меҳмон кутар Регистон

Меҳмоннавоз гўша дунё санъати намояндаларини яна ўз бағрига чорламоқда. Бу йил ҳам Регистон анъанавий «Шарқ тароналари» иштирокчиларини кутмоқда. Улуғвор ва боқийлиги билан жаҳонни лол қилган Мирзо Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари қошидаги майдон шукуҳи бугун ҳар қачонгидан ўзгача. Бу ерда ободончилик, кўкаламзорлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бир зум ҳам тингани йўқ.

Майдонга олиб келувчи Сўзангорон, Панжакент, Тошкент, Даҳбед кўчаларида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Куйловчи фаввора» ҳам майдонга ёндош. «Йўлбарслар хиёбони»даги тароватдан ақл шошади.

— Анъанавий «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг Самарқандда ўтказилишида чуқур маъно бор, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси Анвар Шерматов. — Дунё аҳли кўҳна оҳанглар сеҳрига тобора ошуфта бўлиб бормоқда. Шу боис бу тадбирда иштирок этиш истагида бўлганлар сони йилдан-йилга ортаётир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

МУЛОҲАЗА

Менинг «мен»им

Яратиқлар ичида одамгагина юксак ақл ва забон ато этилган. Дунёда ҳеч нарса ўринсиз бўлмаганидек, башариятга иньом этилган бу мартаба замирида ҳам ҳикматлар пинҳон. Аммо бармоқлар тенг бўлмагани каби ҳар биримизнинг фикрлаш тарзимиз турлича. Бу мутолаа доираси, ўқиганни уқиш жараёни қандай кечиши билан боғлиқ, албатта.

Нисбий тушунчалардан бири «мен» ҳисобланади. Агар «мен»имизга батамом эгалик қила олганимизда мустаҳкам қўрғонлар билан ўзимизни ҳимоялаб, танамиздаги жонни абадий асраб қолиш чораларини кўрган, ҳеч қачон кўнглимизнинг ранжишига йўл қўймаган бўлардик. Шунга қарамасдан уларнинг шартли равишда «мен»га тегишли экани айни ҳақиқат. Масаланинг муҳим томони шундаки, кўпинча биз «мен»имизни эмас, у бизни йўналтиради. Бундай вазиятга тушган ҳар ким ҳам ёрдамга муҳтожлигини, бу йўлда одамга беминнат маёқ бўлиб китоблар хизмат қилишини унутмаслиги кифоя.

Зеро, қудусий китобларда ҳам инсонни такрор-такрор тафаккур қилишга, ўзи ва атрофидаги нарса-ҳодисаларнинг моҳияти, ҳикмату ибратини кўра билишга, яшашдан олий мақсад нелигини англаб етишга ундалади. Бизни, аслида, тафаккур билан яшашгина кўзланган мақсадга етказади.

Моҳичеҳра АВАЗОВА

Ихтирочи Томас Эдисоннинг 5 мингтадан ортиқ қуши бўлган.

* * *

Энг кўп пишлоқ Францияда ейилади. Шунингдек, бу мамлакат дунёдаги барча пишлоқнинг деярли ярмини ишлаб чиқаради.

* * *

Британиялик файласуф Жерефи Бентем 1832 йилда вафот этиб, барча бойлигини Лондон шифохонасига мерос қилиб қолдираётганда бир шарт қўйган. Унинг майити бошқарма йиғилишларида қатнашиши керак. Ҳозиргача у барча мажлисларда «иштирок» этади.

* * *

Денгиз юлдузини бўлакларга бўлиб ташласангиз, унинг ҳар бир қисми вақт ўтиб яна юлдузга айланади.

* * *

Бразилиялик 13 ёшли Наташа Мораес де Антраде-де бирор марта сочини кесмаган. Сочининг узунлиги 1 метр 57 сантиметрга етган. Қизнинг ота-онаси сочни 5,5 минг долларга сотиб, даромад қилишни мўлжаллаган.

* * *

Саккизоёқнинг кўз қорачиғи тўртбурчак шаклда.

Биласизми?

Анорбой НОРҚУЛОВ тайёрлади

Рассом хандаси







РЕКЛАМА

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Бўстонлиқ туманида жойлашган

"Фазогир Гагарин" болалар соғломлаштириш оромгоҳи

• йўлланмалар харид қилиш учун талабномалар қабул қилинади.

• Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 3 сменада ташкил этилади.

Мавсумнинг бошланиши - 24.06.2013 й.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй
Тел: (8 371) 233-71-08, моб: +998 90 355-23-45

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.10

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 2345